

ВИТАМИНГА БОЙ ЛОВИЯ (PHASCOLUS) ЎСИМЛИГИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хасанова Г.Р.

Фармакогнозия ва фармацевтика технологияси кафедраси ассистенти

Усманова М.Б.

Фармакогнозия ва фармацевтика технологияси кафедраси ассистенти

Нажмитдинов Х.Б.

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Фармацевтика факультети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ловия усимлигининг махсулотини тиббиётда, халк хужалигида, енгил саноатдаги ахамияти, унинг фойдали томонлари тугрисида маълумотлар ёритилган.

Калит сузлар: ловия, кобиг, дамлама, буйрак, гул, таркиб.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается информация о значении продукта бобового растения в медицине, хозяйстве, легкой промышленности, его полезных аспектах.

Ключевые слова: фасоль, стручок, настойка, почка, цветок, композиция.

КИРИШ

Ловия усимлиги бир йиллик ут усимлик булиб, дуккакдошлар оиласига мансуб. Унинг 200 га якин тури мавжуд булиб, асосан тропик мамлакатларда Осиё, Африка, Америка ва Австралия каби давлатларда куплаб тури учрайди. Илдизи ук илдиз, яхши ривожланган, тупрокка 1,5-2,0м чуқурликгача кириб боради. Пояси утсимон шохланган, чирмашиб, 2-3м гача етади. Меваси дуккак, пушти, сарик, жигарранг, кора, сиех ранг булади. Уруги буйраксимон, ок, сарик, пушти. Барглари узун тухумсимон, новдада кетма кет жойлашган. Гуллари пушти ранг баъзан турли ранглларда булиб, май ойидан сентябргача гуллайди.

Кимёвий таркиби: Клетчатка 3.9%, крахмал 43.4% пектин 3.7%, ег 1%, оксил 22.5%, аминокислоталар(валин 1.12%, лейцин 1.18%, лизин 1.59%, фенил аланин 1.15%, глютамин кислота 3.22% аспарагин кислота 2.65%, аргинин 1.22%), макроэлементлар(калий, кальций, натрий, сера, фосфор, кремний магний), микроэлементлар (марганец, селен, титан, молибден, цинк, темир), витаминлар(каротин, С-19.5%, Е-3.84% В1-0.50, В2, В6, В15, В-РР, биотин, фазеолит, фазеол, гемицеллюлоза 50%) мавжуд.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тиббиётда ишлатишдан ташкари, халқ хужалигида, озик овқат саноатида кенг ишлатилади. Ернинг унумдорлигини ошириш ва юмшатиш мақсадида ловия экишда кенг ишлатилади, тупрокни азот билан бойитади. Тула пишмаган дуккаклари ва донларидан консерва ишлаб чикилади. Пояси чорва моллари учун яхши озука ҳисобланади айрим турлари манзарали усимлик сифатида экилади. Ўзбекистонда айникса Навруз, Кахрабо ва бошқа новлари экилади.

Халқ табobatiда гуллари ва кобигидан тайерланган дамлама, буйрак ва сийдик йуллари, гипертония, кандли диабет касалликларида ишлатилади. Майдаланган ловия экзема, тана куйганда, ва бошқа тери касалликларда ишлатилади. Абу Али Ибн Сино ловиянинг дориворлик хусусияти тугрисида, унинг кукрак ва упка касалликларида, корин дамламаслиги учун, уни хантал кукуни, гармдори ва уксуснинг туз аралашмаси билан истъмол килишни айтиб утишган. Муҳаммад Хусейн Шерозий айтишича ловия танани тозалайди, тошни эритади, сийдик хайдовчи хусусиятига эга. Абумансур Муваффарк айтишича эркаклик кучини купайтиради, сийдик чикишини кучайтиради. Кизил ловия она корнидаги улик хомилани бачадондан чикишини тезлаштиради ва туғишдан кейинги кон кетишини тухтатади. Замонавий тиббиётда ловияни конда канд микдорини 30-40% гача камайитириш хусусияти туфайли кенг кулланиб келмокда. Самарканд шаҳар №5 сон поликлиникасида 10 нафар буйрак ва кандли диабет билан огриган беморларга ловиядан тайерланган дамлама буюрилганда, орадан 15 кундан сунг, улар билан булган сухбатда бу беморлар узларинини яхши хис килганларини, конда канд микдори 12-13мг дан 6-7мг тушганини айтишди. Ловия таркибидаги алгинин моддаси булгани сабабли канд микдори кескин камайади, хаттоки уни инсулин таъсири билан баробар деб ҳисоблашади (Д.Йорданов 1970й) Янги тайерланган дамлама 6 соатда канд микдорини туширади.(Л.Я.Скляревский 1975й) Ловия усаётган организмни оксил моддаси билан таъминловчи асосий озука манбаи ҳисобланиб, саратонга карши иммун тизимини шакллантириш хусусиятига ҳам эга. Ловия фитохимик моддаларга эга булиб зарарланган хужайралар ривожини тухтатади, даволайди, айникса простата ва хазм килиш органлари саратон касалиги ривожланишини олдини олади. Биз сизларга куйидаги рецептларни тайерлаш ва уларни кандай истъмол килиш йуриқномасини тавсия киламиз.

1. 2ош кошик курук майдаланган ловия кобигига 300мл сув солиб 15минут кайнатиб, сунгра тиндириб 2 кошикдан 4-5 махал овқатдан олдин истъмол киламиз.

2. 40 гр ловия кобигига 2 стакан сув солиб сув хаммомида 40-60 минут кайнатамиз. Тиндириб 2 ош кошиқдан 3-4 махал овкатдан олдин ичамиз.

3. Ловия гулини куриб 1:10 (20гр гул ва 200гр сув билан дамлама тайерлаймиз) нисбатда тайерланган дамламани 0.5 стакандан 3-5 махал овкатдан олдин ичамиз.

4. Ловия унидан тайёрланган буткасимон хамирни фурункул, кон тупланиб колган ва яралган тана кисмига бостириб куямиз.

5. Ловия унидан тайерланган суюк шурвани ошказон деворларини мустахкамлаш сифатида купрок истъмол килиш керак.

6. Ловия кобигини узидан тайерланган дамлама ревматизм, юрак, буйрак, моякда сув йигилиш каби касалликларда 0.5 стакандан, кунига 4-5 махал ичиш керак.

ХУЛОСА

Ловия махсулотлари тугрисидаги тушунчани сизга тавсия килишдан мақсадимиз, ундан етарлича истъмол килиб, соғлигингизни тиклаш йулида унумли фойдаланиб, шифо топасиз деган умиддамиз.

REFERENCES

1. Усманова, М., Эрнazarова, М., Куйлиева, М., & Хасанова, Г. (2021). Дорихона фаолиятини ташкил этиш, дорилар саклаш чора тадбирлари. *Экономика и социум*, (11), 90.
2. Xasanova, G. R., Ernazarova, M. E., & SHIFOBASH, Q. O. T. F. J. ORIENSS. 2022. № Special Issue 4-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/shifobash-qoqi-otining-foydali-jihatleri>.
3. Yakubova, Sarvinoz Raxmonqulovna, & Xasanova, Gulbaxor Raxmatullayevna (2022). KAMQONLIK HAQIDA TUSHUNCHI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (Special Issue 4-2), 897-900.
4. Омонтошева, М. Т., Махмудова, М. М., Нажмиддинов, Х. Б., & Бердимуродова, Ф. П. (2021). ИСТОЧНИКИ И МЕТОДЫ ПОЛУЧЕНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ВЕЩЕСТВ. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 6-9.
5. Нажмиддинов, Х. Б., Дилмуродов, Ш. Н., & Раймкулова, Ч. А. (2021). Определение Аммиака Неинвазивным Методом В Выдыхаемом Воздухе Человека. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 50-54.

-
6. Xasanova, G.R., & Ernazarova, M.E. (2022). SHIFOBASH QOQI O'TINING FOYDALI JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (Special Issue 4-2), 989-991.
 7. Махмудова Азиза Шарафжон Кизи, Гайбуллаева Камрон Фахриддин Угли, & Хасанова Гулбахор Рахматуллаевна (2022). СОҒЛОМ ОБҚАТЛАНИШ ТАРЗИ. Ta'lim fidoyilari, 24 (17), 571-575.